



ЁШ ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ИШСИЗЛИК МАСАЛАСИ ИЖТИМОЙ МУАММО СИФАТИДА

**Файзиёва
Фароғат
Бахтиёрвна**

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети, социология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
e-mail: faro_fb@mail.ru*

Abstract

Мақолада ёш хотин қизларнинг ишсизлик масаласи ижтимоий муаммо сифатида кўриб чиқилган ва «Оила ва гендер» илмий-тадқиқот институти томонидан 2024-йилда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилаётган «Ўзбекистоннинг замонавий ёшлари: асосий муаммолар ва уларни ҳал қилиш борасидаги ёндашувлар» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида «Ёш хотин-қизлар ўртасида ишсизлик масаласи: сабаблар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида, мамлакатимиздаги 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёш хотин-қизлар ўртасида социологик нарратив асосида таҳлил қилинган.

Keywords : оила, гендер, бандлик, ёш хотин-қизлар бандлиги, ижтимоий муаммо, мослашувчанлик, социологик нарратив, ишсизлик, замонавий ёшлар, фикрлар, ижтимоий омиллар, ийитисодий таъсир.

ПРОБЛЕМА БЕЗРАБОТИЦЫ СРЕДИ МОЛОДЫХ ЖЕНЩИН КАК СОЦИАЛЬНАЯ ПРОБЛЕМА

Аннотация: В статье рассматривается проблема безработицы молодых женщин девушек как социальная проблема. В рамках практического проекта «Современная молодежь Узбекистана: основные проблемы и подходы к их решению», который был проведен в 2024 году научно-исследовательским институтом «Семья и гендер» совместно с партнерскими организациями, «Проблема безработицы среди молодых женщин: причины и пути их решения» была проанализирована на основа социологического исследования среди молодых женщин в возрасте от 18 до 35 лет в нашей стране

Ключевые слова: семья, гендер, занятость, трудоустройство молодых женщин, социальная проблема, гибкость, социологический нарратив, безработица, современная молодежь, мысли, социальные факторы, социальное влияние

THE PROBLEM OF UNEMPLOYMENT AMONG YOUNG WOMEN AS A SOCIAL PROBLEM

Abstract: The article considers the problem of unemployment of young women and girls as a social problem. Within the framework of the practical project «Modern youth of Uzbekistan: the main problems and approaches to their solution», which was conducted in 2024 by the research Institute «Family and Gender» together with partner organizations, «the problem of unemployment among young women: causes and solutions» was analyzed on the basis of a sociological study among young women between the ages of 18 and 35 in our country.

Key words: family, gender, employment, employment of young women, social problem, flexibility, sociological narrative, unemployment, modern youth, thoughts, social factors, social influence

Кириш

Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодий ўсиш ва меҳнат бозорини ислох қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Шунга қарамай, аёлларни иш билан таъминлаш ҳали ҳам жиддий ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. 2023 йилда аёллар меҳнат бозоридаги ишчи кучи қисмининг **45%** ни ташкил этган. Шу билан бирга, аёлларнинг иш билан таъминланиши бир қатор қийинчиликлар ва муаммолар билан тавсифланади. Ёш хотин-қизлар ўртасида ишсизлик масаласи нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммо сифатида ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ва меҳнат бозорини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларга амалга оширилмоқда, шундай бўлсада ёш аёлларни иш билан таъминлашда баъзи тўсиқлар сақланиб қолмоқда. Бу муаммо жамиятнинг турли жабҳаларига таъсир кўрсатади ва уни ҳал қилиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёш хотин қизлар ўртасида ишсизлик кўрсаткичлари қандай. Ўзбекистоннинг расмий статистика маълумотларига кўра, ишсизлик даражаси ёшлар орасида юқори, айниқса, ёш хотин-қизлар ўртасида. Умумий ишсизлик даражаси пасайишига қарамай, **20-30 ёшдаги аёллар** орасида ишсизлик ҳануз юқори даражада қолмоқда. Ушбу муаммоларни асосий сабабларини ўрганиш мақсадида “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти томонидан 2024-йилда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилаётган “Ўзбекистоннинг замонавий ёшлари: асосий муаммолар ва уларни ҳал қилиш борасидаги ёндашувлар” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида “Ёш хотин-қизлар ўртасида ишсизлик масаласи: сабаблар ва уларни ҳал этиш йўллари” мавзусида, ёш хотин-қизлар ўртасида социологик тадқиқот ўтказилди. Ушбу тадқиқотда 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёш хотин - қизлар иштирок этган. Социологик нарративда иштирок этган хотин - қизлардан, “Хотин – қизларнинг бандлиги масаласига сиз қандай қарайсиз?”, деб берилган саволга аксарият хотин – қизлар томонидан шундай фикрлар айтиб ўтилди.

“Менинг ёшим 32 да, мен ҳозир иш билан банд эмасман. Икки нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим мавсумий меҳнат фаолиятида банд. Турмуш ўртоғимнинг бандлиги доимий эмас, айниқса қиш фаслларида оилада ҳаммамиз

бекорчи бўламиз. Менинг оиладан ташқарида меҳнат билан банд бўлишим масаласида оиламда озгина муаммолар бўлган. Ҳозир мен 32 ёшга тўлганман, фарзандларим мактабга чиқишади. Уйда 4 аёл уй юмушларини қилиб бўлганимиздан кейин, бекорчи ҳисобланамиз. Лекин менинг ҳам оиламиздаги бошқа келинларнинг ҳам уй юмушларидан кейин бўш вақилари кўп бўлади. Илгари оила аъзоларимиз бизларга аёл киши ишламаса ҳам бўлади, болаларни катта қилиб олинглар, деб айтишарди. Бу гапга қўшиламан, лекин фарзандлар катта бўлгандан кейин, аёллар ҳам оила юмушларидан ташқари иш ўринларида меҳнат фаолияти билан машғул бўлса яхши бўлади, деб ўйлайман. Мен ҳамшираликка ўқиганман, менинг коллеж дипломим бор, лекин энди оила аъзоларим ишлашим учун руҳсат беришганда, мен учун иш топиш қийин бўляпти. Маҳалладошларим учун ҳамширалик қилиш учун эса турмуш ўртоғим руҳсат бермайди.”, деб ўз фикрини тугатади.

“Менинг ёшим 27 да, мен Тошкент шаҳарда олий ўқув юртини тамомлаб келганман. Педагогика соҳаси бўйича бакалавр дипломига эгаман. Лекин мен яшайдиган қишлоқда менинг фанимдан, география фанидан дарслар жуда кам экан, у фанним ўзини ўқитувчиси бор экан. Мен иш қидириб борганимда, ушбу фандан ўқитувчи бор, қачон бу фан ўқитувчиси пенсияга чиқса, сизни олсак бўлади деб айтишган. Лекин ушбу фан ўқитувчиси бори йўғи мендан 10 ёш катта экан. Шундай қилиб менг ўз қишлоғимда география йўналиши бўйича иш топа олмадим, йўналишни танлаганимда, кейинчалик бирор оилага бориб яшашим, у оила жойлашган ҳудудда менинг мутахассислигим бўйича иш бўлмаслиги ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак экан. Менимча шунда ҳар бир аёл киши ўз ўрнини топади. Аёллар ҳам ишлаш ҳуқуқига эга, улар ҳам оиладан ташқарида меҳнат фаолияти билан машғул бўлиши лозим деб ўйлайман”

“Менинг ёшим 26 да, мен турмуш қурмаганман. Олий ўқув юртини ҳам тамомламаганман. Мен мавсумий ишчи бўлиб ишлайман, оиламга шу тарзда ёрдам бераман. Иш излаб кўрганман, қўлимда ҳунарим йўқ. Ҳеч қайси иш жойига мени олишмаган. Лекин ҳар йили чопиққа чиқман, пахта терим вақтида, пахта тераман, шу тарзда ота онамга озгина бўлса ҳам ёрдамим тегади. Аёл киши ишлаши керак, деб ўйлайман. Ўзи учун ҳам, болалари учун ҳам ишлаши муҳим”

“Менинг ёшим 23 да, мен ҳозирда талабаман. 3 босқичга ўтдим. Жамиятда хотин қизлар меҳнат фаолияти билан банд бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Мана мен, олий ўқув юртига кирганимда, мамлакатимиз президенти томонидан хотин қизларга жуда катта имтиёзлар яратилди. Таълим олиш учун квоталар кўпайтирилди. Магистратурада таҳсил олаётган мендан катта опамнинг ўқишлари учун давлат томонидан жудаям кўп имтиёзлар яратилди. Мен эса ўқиш билан бирга, ўзимнинг тикувчилик фаолиятимни йўга қўйганман. Ўқишдан келиб, 4 та шогирдимга тикувчилик сирларини ўргатаман ва миждозларнинг кўйлақларини тикиб, яна қўшимча даромад оламан. Оиламга шу тариқа ёрдам бераман. Мен ҳали турмушга чиқишга шошилмайман, олдин иқтисодий мустақилликка эришиб, кейин турмуш қуриш ҳақида ўйлаб кўраман. Чунки ҳозирда мамлакатимиз раҳбари томонидан жуда кўп имкониятлар яратилмоқда, бу имкониятлардан имкон қадар фойланиб, мамлакатимизга

ёрдамим тегишини мақсад қилиб қўйганман. Хотин қизлар бандлиги масаласига ижобий қарайман, албатта”.

“Менинг ёшим 29 да, мен олий ўқув юртини бакалавр ва магистратура йўналишлариниям тугатганман. Лекин ҳали мутахассислигим бўйича иш топа олмадим, қайси ташкилотга борсам мендан малака талаб қилади. Менда эса ҳали малака йўқ, дейман. Лекин ҳалиям иш топмаганман, энди иш топишданам умидимни узганман. Энди борсам, битирганизга қанча бўлди, эндиам йўқми малака, деб талаб қилинади, лекин малакага эга бўлиш учун иш ўрнига эга бўлолмаймапманку, бу ҳолатни тушунтириб бера олмаймаман”.

Шу тариқа, аёллар ҳикоя тарзда саволга нисбатан ўз фикрларини билдиришди. Социологик тадқиқот натижасидан шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда аёллар меҳнат фаолияти ҳақида фикрлари бир оз ўзгарган. Хотин қизлар фақат оилада, уй юмушлари билан банд бўлиши ҳақидаги қарашлар ҳам тоборо ўзгариб бормоқда. Лекин шундай бўлсада, ёш хотин-қизлар ўртасида ишсизлик масаласи ижтимоий муаммо сифатида сақланиб қолмоқда. Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ёш хотин-қизлар ўртасида ишсизликнинг сабаблари бир неча омиллар билан боғлиқ бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **Гендер дискриминацияси:** Иш берувчилар кўпинча ёш аёлларни ишга олишдан қочишади, чунки улар оила қуриш ва декрет таътиллари туфайли ишдан узилиб қолишларини кутишади. Бу ҳолат ёш қизларнинг меҳнат бозоридаги имкониятларини сезиларли даражада чеклайди.

- **Мослашувчан иш шароитларининг етишмаслиги:** Кўплаб ташкилотларда масофавий ишлаш ёки қисқа иш куни имкониятлари мавжуд эмас. Бу эса айниқса ёш оналар учун иш топишни қийинлаштиради.

- **Таълимнинг иш берувчи талабидан келиб чиқиб ўқув дастурини шакллантириш:** Айрим ҳолатларда олий таълим муассасалари ёш қизларга замонавий меҳнат бозори талабларига мос келадиган малакалар асосида ўқув дастурларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

- **Иш тажрибасининг йўқлиги:** Кўп иш берувчилар ёш мутахассислардан иш тажрибаси талаб қиладилар, бу эса яқинда таълим муассасасини битирган ёшлар учун қўшимча муаммо туғдиради.

Хулоса:

Хулоса қиладиган бўлсак, тадқиқот натижаларидан айтиш мумкинки, ёш хотин-қизлар ўртасида ишсизликнинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари:

Биринчидан, ёш хотин-қизлар ўртасида ишсизлик нафақат уларнинг шахсий ривожланишига, балки бутун жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бу, ишсизлик ёш хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдан четланишига олиб келади, бу эса уларнинг руҳий саломатлиги ва шахсий мотивациясига салбий таъсир қилади ва у **ИЖТИМОЙ ИЗОЛЯЦИЯ**, деб аталади.

Ниқобланган ишсизлик: Ёш аёллар кўпинча расмий иш жойи топа олмагани сабабли, ноформал секторда ишлашга мажбур бўладилар. Бу уларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимояларини чеклайди.

Иқтисодий потенциални йўқотиш: Аёлларнинг меҳнат бозорида тўлиқ иштирок этмаслиги мамлакатнинг иқтисодий ўсишига тўсқинлик қилади. Ёш қизларни иш билан таъминлаш орқали иқтисодий ўсишга катта ҳисса қўшиш мумкин.

Ёш хотин-қизлар ўртасида ишсизлик муаммосини бартараф этиш учун бир қатор чора тадбирларни амалга ошириш лозим:

- Иш жойларини яратиш: Ёшлар, айниқса ёш аёллар учун янги иш ўринларини яратиш мақсадида давлат томонидан имтиёзли кредитлар, грантлар ва касб-хунар ўргатиш дастурларини ривожлантириш лозим.

- Касбга йўналтирилган таълим: Таълим муассасаларида меҳнат бозори талабларига мос келувчи амалий малакаларни ўргатишга қаратилган дастурларни жорий қилиш. Ёш қизларни касбга қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари орқали қўллаб-қувватлаш.

- Мослашувчан иш шароитларини яратиш: Корхоналарда масофадан ишлаш, қисқа иш куни ва гибрид иш жадваллари каби имкониятларни кенгайтириш ёш аёллар учун муҳим.

Хулоса қиладиган бўлсак, ёш хотин-қизлар ўртасида ишсизлик нафақат шахсий, балки ижтимоий муаммо сифатида ҳам қаралиши лозим. Бу муаммони ҳал қилиш нафақат ёш аёлларнинг иқтисодий мустақиллигига, балки Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ривожланишига ҳам ҳисса қўшади. Комплекс ва ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар орқали ёш хотин-қизларни меҳнат бозорига жалб қилиш мумкин, бу эса умумий фаровонликка олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Alikariyev N., Alikariyeva A. Complex factors of increasing the efficiency of human labor//Neuro Quantology. November 2022. Volume 20. Issue 18. Page 102-107.doi:10.14704/nq.2022.20.18.NQ880012.ww.neuroquantology.com. EISSN-1303-5150.

2. Alikariyev N.S., Alikariyeva A.N. Oliy ta'lim sifati menejmenti tizimini rivojlantirish konsepsiyasi//“Sotsiologiya fanlari” (www.tadqiqot.uz\soci) elektron jurnali. №1. – Toshkent, 2020. – B. 7-18. DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1>.

3. Лоусон Т., Гэррод Д. Социология. А-Я: Словарь-справочник.пер. с англ. М.: Фаир-Пресс, 2000. С. 444.

4. Factors in American Civilization: Studies in Applied Sociology. Brooklyn Ethical Association Fb&c Limited, 2015 M07 2 – P.442.

5. Ноэль Э. Массовые опросы. Введение в методику демоскопии.// Пер. с нем.2-изд.М.:АВА-ЭСТРА.1993. – С.37.

6. Schutze, F. (1983). Biographieforschung und narratives Interview. In: Neue Praxis, 3, - Pp.283-293.